Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 27-avgust, seshanba № 103-104 (3297)

# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

■ **Умумхалқ ҳашари**



## Юксак кўтаринкилик руҳида

**Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами ҳамда Обод турмуш йилига бағишланган умумхалқ хайрия ҳашари зўр уюшқоқлик билан ўтди.**

Икки кунлик ободонлик юмушларида 17 миллион нафардан зиёд фуқаро иштирок этди. Шундан ўн миллион нафардан зиёдини ёшлар ташкил этди. Ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан 33 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 23 минг километр узунликдаги ариқ-зовур ва лотоклар тозаланди. 800 дан зиёд зиёратгоҳ ва 8,5 мингга яқин қабристон ободонлаштирилди. 14 мингта махсус техника воситалари кўмагида қарийб 51 минг тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари махсус жойларга чиқариб ташланди.

Умумхалқ хайрия ҳашарида 18 миллионга яқин дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Ҳашар йўли билан кўплаб янги маҳалла идоралари, болалар майдончалари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди.

Яна бир муҳим жиҳат — қон-қонимизга сингиб кетган инсонпарварлик, саховатпешалик туйғуларининг кенг намоён бўлишидир. Анъанага кўра, бу галги хайрия ҳашарида ҳам эҳтиёжманд фуқаролар, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронларга кўрсатилган меҳр-мурувват ёрдамлари кўлами ҳар қачонгидан кенг бўлди.

Хайрия ҳашари кунларида юртимиздаги кам таъминланган оилалар ҳамда ёлғиз кексалар, ногиронларнинг 367 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жойлари таъмирлаб берилди. Ижтимоий ёрдамга муҳтожларга 1 миллиард сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Хайрия ҳашаридан тушган маблағлар «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги маҳалла гузарларини барпо этиш, маҳаллаларни янада обод қилиш ишларига йўналтирилади.

***Қуйида жойларда бўлиб ўтган хайрия ҳашарлари ҳақида мухбирларимиз хабар қиладилар.***

*(Давоми 2-саҳифада).*

**Бугунги кунда аҳолининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этаётган мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол – жисмонан соғлом, ақлан етук, нафақат кўплаб билимларни, балки касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаган, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, ташаббускор, интеллектуал салоҳияти юксак авлодни тарбиялашдек устувор мақсад мужассам.**

## Ёшлар эътиборда, кексалар эъзозда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда ўғил-қизларни миллий ғоя, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, илм-фан йўлидаги изланишлари ва инновацион ишланмаларини қўллаб-қувватлаш йўналишларидаги ишларни ўз фаолиятларининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб, тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, меҳнат муҳофазасини янада кучайтириш, ёш ишчи-ходимларнинг касбий малака ва маҳорати, маънавиятини юксалтириш, касбга қайта тайёрлаш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш ишларига катта эътибор қаратилаётир. Шу тариқа олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим масканлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, коллежларда амалиёт ўтаётган ўқувчилар ва ишга янги қабул қилинган битирувчиларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш, улар учун алоҳида имтиёзлар тизимини яратиш, ёш олимларнинг инновацион ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишларида ижобий натижаларга эришилмоқда. Касаба уюшмалари томонидан ёш мутахассисларнинг иш жойларидаги қўнимлилиги устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилгани ёшлар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш имконини бермоқда.

*(Давоми 3-саҳифада).*



«Шарқ тароналари – 2013»

**Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалига бағишланган навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.**

### МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов, Самарқанд шаҳри ҳокими А.Шукуров, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори О.Иброҳимов ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дунё халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг миллий мусиқа меросини ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Фестивал нуфузи ортиб, унда иштирок этиш истагини билдирган санъаткор ва мусиқашунослар сафи кенгайиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

Бу галги фестивалда қатнашиш учун бугунги кунга қадар Самарқандга элликдан зиёд давлатдан иштирокчи ва меҳмонлар ташриф буюрди. Улар шаҳардаги энг замонавий, барча шароитларга эга меҳмонхоналарга жойлаштирилди. Меҳмонларнинг вақти мазмунли ва таассуротларга бой ўтиши учун Самарқанд шаҳри ва вилояти бўйлаб саёҳат, таълим муассасалари ва маданий-тарихий обидалар билан танишув, миллий ҳунармандчилик ва мусиқа асбоблари кўргазмалари, жойларда аҳоли билан ижодий учрашувлар ўтказилмоқда.

Фестивал жараёнини ёритиш учун бир қатор хорижий давлатлардан журналистлар Самарқандга келди.

**ҚАШҚАДАРЁ**

**Қашқадарё вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ташаббуси билан ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

### АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вилоятдаги ижросига бағишланган йиғилишда Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизда ўтказилаётган, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотларнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН**

**Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туман марказларида ташкил этилган мактаб бозори ва ярмаркалари фаолиятидан ота-оналар мамнун бўлмоқда.**

### ҚУЛАЙЛИК

Янги ўқув йили олдидан ташкил этилган ушбу мактаб бозорлари ўқувчиларни юқори сифатли ва арзон нархдаги ўқув қуроллари, мактаб формалари билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

«Нукус деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамияти томонидан бозор ҳудудидаги 25та махсус дўконда ўқув қуроллари ва мактаб кийимлари сотиш йўлга қўйилди. Дўконларнинг барчаси тўлиқ терминал билан таъминланиб, тўлов пластик карточкалар орқали амалга оширилаётир.

ЎзА

## Истиқлол ва аёл:
## Мустаҳкам ҳамкорлик – кафолатли ҳимоя

**Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан шу мавзуда ўқув-семинар ва Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маданий тадбир ташкил қилинди.**

— Юртбошимизнинг 2013 йил 12 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида «Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизидан зиёдини ташкил этадиган хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалий натижаларини кўрсатиб бериш» байрамолди ўтказилажак тарғибот-ташвиқот ишларининг бош мавзуси сифатида белгиланган, — дейди комиссия раиси Муяссар Раҳимова. — Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар хотин-қизлардан ҳам ишбилармонлик ва тадбиркорлик, иқтисодий билим ва кўникмаларни талаб қилади. Вилоятда иш билан банд аҳолининг 43,3 фоизи хотин-қизлардан иборат. Ҳозирда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда тадбиркорлик, ишбилармонлик хусусиятларини шакллантириш, менежмент, макро ва микроиқтисодиёт соҳасидаги билимларини мустаҳкамлаш борасида фуқаролик институтларининг ўзаро ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилган. Шу билан бирга, ижтимоий шериклик тамойили асосида хотин-қизлар манфаатини таъминлашга қаратилган ишлар кўламини янада кенгайтириш ва ривожлантириш устувор вазифалардан биридир. Ушбу жараёнда касаба уюшма ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш ва улар қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ишини намунали йўлга қўйиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда улуғ байрамимизни муносиб нишонлаш мақсадида ушбу тадбирни ташкил қилдик.

Ўқув-семинарга турли соҳаларда меҳнат қилаётган, касаба уюшмалари ҳаётида ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётган бир гуруҳ хотин-қизлар таклиф қилинди.

*(Давоми 2-саҳифада).*

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда шаҳардаги автобус йўналишлари ва бирламчи касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида бўлиб ўтган танлов ғолиблари ва совриндорлари тақдирланди.**

## Улуғ айём олдидан

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирга Мирзо Улуғбек ва Миробод туманлари хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, маънавият тарғиботчилари, тадбиркор аёллар ҳамда талаба-ёшлар таклиф этилди.

Тадбир доирасида чевар аёллар томонидан тайёрланган буюмлар кўргазмаси иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Тадбир санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги катта байрам дастури билан якунланди.

■ **Касаба уюшмалари — мустақиллик йилларида**

**«Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун» тамойили ҳар жабҳада намоён бўлмоқда. Бунда касаба уюшмаларининг ҳам ўзига яраша ўрни ва нуфузи бор. Муҳими, фаолиятга янгича ёндашув туфайли ташаббусга шай, зиммадаги масъулиятни тўла англаб ета олган, меҳнаткаш манфаати учун куйиб-ёнадиган, молиявий имконияти кенгайган бошланғич ташкилотлар шакллантирилди.**

## Изланиш ва интилиш меваси

**Самарқанд вилояти**

Биргина Самарқанд вилоятида жорий йилнинг ўтган олти ойида 76 та нодавлат сектор корхонасида бошланғич касаба уюшма ташкилоти таъсис конференциялари ўтказилди. 2063 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди. Уларнинг 958 нафарини ёшлар ташкил этади...

### Кеча...

Бир неча йил муқаддам мақталган бошланғичлардан бирида бўлгандик. Етакчи ҳамроҳлигида унга ажратилган хонага кирсак, стол-стулларни чанг босган. Яқин орада бу ерга ҳеч ким кирмагани шундоқ кўриниб турарди. Бироз хижолат бўлган ҳамроҳимиз ўзини оқлаган бўлди. Касабақўм чангларни тозалаб, олдимизга қалаштириб қўйган ҳужжатлар папкасидан бирини қўлга оламиз. Иш режаси. Бу ерда қарийб ўн йиллик режалар қалашиб турибди. Энг сўнггисига кўз югуртирамиз. На муддати, на муҳлати бор, ҳеч кимга масъулият юкламайдиган силлиққина режада бу ташкилотга дахлдор бўлмаган юмушлар ҳам акс этган.

— Вилоят миқёсидаги тадбирларни ҳам қаламга олибсизми? — дея ўсмоқчилаймиз.

— Йўғ-е, бошланғич ташкилотимиз иш режаси. Бирор хатолик ўтибдими?

Сатрма-сатр ҳижжалаб мағзини чақамиз. Ростига кўчади раис ҳам. Унинг айтишича, вилоят тармоқ кенгашига борганида тайёр режанинг намунасини олиб келган экан. Ўшани шартта кўчиртириб папкага жойлаб қўйибди. Наинки бу, балки бошқа барча ҳужжатлар ҳам ўша ташкилотда тайёрланиб қуйига етказилар экан. Бу ёғига ёстиқдек-ёстиқдек келадиган папкаларни тайёр ҳужжатлар билан тўлдириб қўйишдан эриниш бўлмаса бас.

— Тасарруфимизда қоладиган маблағни ҳам ўша каттаконлар рухсати билан сарфлаймиз, — деганди бошланғич ташкилот етакчиси.

Рост-да, сен учун биров бош қотирса, ҳужжатларни тахлаб қўйса, ишхонада зерикиб ўтиришга на ҳожат. Балки касаба уюшма хонасининг ҳувиллаб ётишига шу омиллар сабабчи бўлгандир ўша дамлар...

*(Давоми 3-саҳифада).*

Ishonch
2013-yil 27-avgust № 103-104 (3297)





# Истиқлол ва аёл: Мустаҳкам ҳамкорлик – кафолатли ҳимоя

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

## Бунёдкорлик – қудратимиз тимсоли

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ички туризмни ривожлантириш, тарихий қадамжолар, диққатга сазовор жойлар қатори мустақиллик иншоотлари билан меҳнаткашларни яқиндан таништириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар касаба уюшма аъзоларини мамнун қилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда тадбир иштирокчилари ҳам Урганч шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик мажмуалари, мустақиллик иншоотлари ва диққатга сазовор жойлар билан танишишга таклиф қилингани бежиз эмас. Уларга бошчилик қилган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов ва Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Бахтиёр Ибрагимов кечаги ва бугунги Урганч, Юртбошимизнинг Хоразм вилоятига эътибори, бу ғамхўрлик маҳсули бўлган қарорлар ва улар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳикоя қилдилар.

Урганч шаҳри ижтимоий бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва меъморий қиёфасини ўзгартириш мақсадида 508,2 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда шаҳарнинг умумий майдони 3300 гектар ва аҳолиси 140 минг нафарни ташкил этади. 2017 йилга бориб унинг майдони 6679 гектар ва аҳолиси 190 минг кишига етиши кутилмоқда.

Ҳудудда қурилиш, ободонлаштириш тадбирлари қизғин суръатда давом этмоқда. Урганч темир йўл вокзали билан танишув иштирокчиларда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Бу ерда амалга оширилган 8 млрд. сўмлик бунёдкорлик ишлари натижасида вокзал қиёфаси бутунлай ўзгарди. Вокзал олдидаги бетакрор фаввора кўзни қувнатади. Ичкаридаги кутиш заллари, оналар ва болалар хонаси, меҳмонлар учун заллар, ошхона ва кафелар, уларда кўрсатилаётган хизматларнинг жаҳон талаби даражасида экани қатнашчиларда ҳавас уйғотди.

— Урганчимиз кундан-кунга ўзгармоқда, — дейди Гурлан туманидаги «Севара-Феруза» фермер хўжалиги раҳбари Тамара Холметова. — Бу ерга ҳар келганимда янгиликларга гувоҳ бўлиб, қалбимда улкан ифтихор туяман.

Тадбир иштирокчилари Урганч халқаро аэропортида ҳам кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўлишди. Шовот канали атрофида барпо этилаётган дам олиш масканлари хоразмликлар ва меҳмонлар учун улкан туҳфа бўлиши аниқ. Эски, кўримсиз иморатлар бузилиб, янгидан ташкил қилинган «Ёшлик» шаҳарчасида кўп қаватли уйлар, спорт майдончалари, теннис корти, сузиш ҳавзалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилмоқда.

Шаҳар бўйлаб саёҳат барчага манзур бўлди.

## Ҳайратлар шаҳрига ташриф

Шундан сўнг қадимий ва ҳамиша навқирон Хива шаҳри томон йўл олинди. Албатта, очиқ осмон остидаги музей қалъага ташриф ҳайратсиз бўлмайди.

Ота дарвозадан киришимиз билан вужудимизда ўзгача ҳис пайдо бўлди. Тош кўчалардан илдамлар эканмиз, одимларимиз бизни қадимий Хоразм томон бошлаётгандай эди. Хива милоддан аввалги VI – V асрлардан XX аср бошларигача бўлган даврларга таааллуқли 122 дан ортиқ археологик ёдгорлик ва меъморий обидаларни ўзида мужассам этган мўъжизакор шаҳар. У ўзининг қурилиши, тарихий ўтмиши, меъморий обидаларининг яхлит тарзда сақланиб қолганлиги билан бошқа қадимий шаҳарлардан фарқ қилади. Айниқса, Ичан-қалъа бутун бошли шаҳар-ёдгорлик бўлиб, дунё аҳлининг диққатини тортиб келади.

Сайёҳлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эътибор ва қизиқиш мутасаддилардан Хивани янада юксалтириш чораларини кўришни талаб қилади. Замон билан ҳамнафас ҳолда бунёд этилган «Осиё-Хива», «Хива Малика», «Шаҳризода» меҳмонхоналари шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Президентимизнинг шу йил март ойида қабул қилган қарори асосида «2013-2015 йилларда Хоразмда туризм соҳасини ривожлантириш дастури» қабул қилинди. Дастурга мувофиқ, Урганч, Ҳазорасп қалъаси ва Хивада улкан бунёдкорликлар амалга оширилади. Тез орада нафақат Ичан қалъа, Дешон қалъа ҳам меҳмону саёҳларни ўзига ром этадиган мафтункор гўшага айланади.

— Эртаклардаги мўъжизага қиёс шаҳри азим ҳали яна минглаб қалбларга ҳайрат бағишлайди, эзгу ишларга илҳом беради, ўзликни англашга, аждодларга муносиб эҳтиром кўрсатиш ва муносиб ворис бўлишга даъват этаверади, — дея ўз мулоҳазаларини ўртоқлашди Қўшкўпир туманидаги 3-умумтаълим мактабнинг Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Манзура Матёқубова.

Кураги ер кўрмаган Паҳлавон Маҳмуд қабри зиёратидан сўнг Хоразм Маъмун академиясига ташриф буюрилди.

## Долзарб масалалар муҳокамаси

Давра суҳбатини вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Муяссар Раҳимова олиб борди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов «Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда касаба уюшмаларининг ҳамкорлиги» мавзусида маъруза қилди. Қайд этилганидек, касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Албатта, бунда асосий эътибор аёллар ва ёшлар масаласига қаратилаётир.

Шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилояти ҳудудий бўлими етакчи мутахассиси Рашида Машарипова ҳамда «Ривож» аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Наргиза Полвонованинг «Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда ва қўллаб-қувватлашда ННТларнинг ўрни», ЎзХДП вилоят кенгашининг Хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўлими мудири Нодира Одамбоеванинг «Ижтимоий-сиёсий жараёнларда манфаатли ҳамкорлик», «Урганчёғмой» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Санобар Юсупованинг «Қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қулай меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда тармоқ хотин-қизлар комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар» мавзуларидаги маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Мавзу юзасидан интерфаол усулда ташкил қилинган ўқув-машғулоти янада қизиқарли кечди. Давра суҳбати иштирокчилари беш гуруҳга бўлинган ҳолда аёлларнинг ижтимоий ҳимояси, хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аёлларнинг меҳнат муҳофазаси, бандлиги каби долзарб мавзулар атрофида баҳс юритдилар. Ушбу йўналишлардаги муваффақиятлар эътироф қилингани ҳолда, айрим муаммолар ҳам ўртага ташланиб, уларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Қаҳрамони, Гурлан туманидаги 5- мактаб директори Анора Маҳмудова ва «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори, Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари коллежи директори Гулсара Аҳмедова ҳам сўзга чиқишди.

— Барчамизнинг мақсадимиз бир — Ватан равнақи йўлида хизмат қилиш, — дея таъкидлади Ўзбекистон Қаҳрамони Анора Маҳмудова. — Бу йўлда, айниқса, биз — аёллар фаол бўлишимиз керак. Зеро, аёл маънавияти юксак, дунёқараши кенг экан, турмушимиз файзли, обод бўлаверади, жамиятимиз юксалиб, давлатимиз тараққий қилаверади. Биз мард ва жасур, билимдон ва иқтидорли, буюк аждодларга муносиб ворис бўла оладиган ёшларни тарбиялашимиз керак. Бугун турмушимиз фаровон, юртимиз тинч, имкониятларимиз катта. Биз бахтли аёлляармиз. Ана шу бахтни ҳар доим қадрлаб яшайлик!

Вилоят равнақига муносиб улуш қўшаётган бир гуруҳ фаол аёллар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Муҳаммад Раҳимхон II — шоир Феруз томонидан барпо этилган «Қибла Тоза» боғда бир пиёла чой устида давом этган самимий суҳбат, хивалик бахшию халфалар, санъаткорлар чиқишлари барчага кўтаринки кайфият улашди.

— Бугунги тадбир хотирамга бутун умрга муҳрланди, — дейди Питнак шаҳар тиббиёт бирлашмаси «Соялир» ҚВП дояси Гулнора Жуманазарова. — Қишлоғимиз Урганчдан анча олисда. Шу боис шаҳримизни кўрмаганимга анча бўлганди. Бунёдкорликлардан бошим осмонга етди. Хива бўйлаб саёҳат янада мароқли бўлди. Давра суҳбатида бир-биридан қимматли фикр-мулоҳазалар билан танишдик.

— Давра суҳбатининг Хоразм Маъмун академиясида, маданий тадбирнинг буюк Феруз барпо этган боғда, саройда ташкил қилингани руҳиятимизга янада кўтаринкилик бағишлади. Биз улуғ инсонларнинг авлодлари эканлигимизни яна бир карра ҳис қилдик. Уларга муносиб бўлиш йўлида изланишдан, интилишдан чарчамаймиз, — дейди «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси бош ҳисобчиси Раиса Мадаминова.

Бундай эътирофларни тадбирга жалб қилинган хотин-қизларнинг ҳар биридан эшитдик.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА.**

**Суратларда тадбирдан лавҳалар.**
**Комилжон ЎРОЗИМБЕТОВ олган суратлар.**

# Юксак кўтаринкилик руҳида

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Умумхалқ хайрия ҳашари **Жиззах** воҳасида алоҳида кўтаринкиликда ўтди. Меҳнат байрамида саккиз юз мингга яқин киши фаол қатнашиб, кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Вилоятдаги 432 та қабристон, 82 та зиёратгоҳ ободонлаштирилди, 80 минг туп дарахтга шакл берилиб, парваришланди, кўча ва хиёбонлар тозаланиб, янги гулзорлар барпо этилди.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояталаб ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга мурувват ёрдами кўрсатилди. 37 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жойлар таъмирлаб берилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари ҳам «Ҳеч ким эътибордан четда қолмасин!», «Саховат ва Мурувват уйлари касаба уюшма эътиборида» каби қатор акциялар доирасида тадбирлар ўтказиб, меҳр-саховат улашдилар.

— Биз, қариялар, ҳолидан хабар олувчилар ҳеч кам бўлмасин, — дейди дуога қўл очаркан «Қулама» маҳалласида истиқомат қилувчи 103 ёшли Хайри момо. — Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

***

**Самарқанд**ликлар ҳам хайрия ҳашарида фаол иштирок этишди. Икки кун мобайнида вилоятнинг шаҳар ва туманларида кенг миқёсли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Меҳнат байрамида икки миллион тўқсон беш мингдан ошиқ фуқаро, жумладан, бир ярим миллион нафардан ошиқ ёшлар иштирок этди. Шу куни 2346,3 гектар майдонда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилди. Беш минг тоннадан зиёд маиший чиқиндилар чиқарилди. 3934,9 километр масофадаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, 3563,3 туп дарахтга шакл берилди. 1414 та қабристон ва 66 та зиёратгоҳ ободонлаштирилди. 1750 дан ошиқ автотранспорт воситалари ҳашарчиларга кўмакдош бўлди.

Шу куни 1630 дан ошиқ эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларга мурувват ёрдамлари кўрсатилиб, 51823 та ўзгалар ёрдамига муҳтожлар хонадони таъмирлаб берилди.

***

**Навоий** вилоятида ўтказилган умумхалқ ҳашарида 562 314 нафар ҳамюртимиз, жумладан, 251 600 нафар ёшлар иштирок этди. Ҳашар давомида 1 546 гектар майдон ободонлаштирилиб, 1460 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари ташиб чиқарилди. 641 км. ариқ ва лотоклар тозаланиб, 393 та қабристон ободонлаштирилди. Кўча ва гузарларда ҳам орасталик ишлари амалга оширилди. 331 709 туп дарахт оқланди ва шакл берилди. Бу ишларга 681 та техника жалб қилинди. 23 234 кв.м уй-жой таъмирдан чиқарилди.

Касаба уюшмалари ҳамкорлигида 1 065 та эҳтиёжманд оилага мурувват ёрдами кўрсатилди.

***

**Бухоро** вилояти бўйича 831 минг нафардан ортиқ аҳоли умумхалқ хайрия ҳашарида якдиллик билан иштирок этди. Уларнинг 556 минг нафарга яқинини ёшлар ташкил қилди. Ҳашар кунлари 1261 гектар майдон ободонлаштирилди. 3638 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга 1575 та техника воситасида чиқариб ташланди.

Ўзаро ҳамжиҳатлик асосида 1240 километр ариқ ва лотоклар тозаланди. Вилоятдаги 909 та қабристон, 27 та зиёратгоҳ ободонлаштирилди. Аҳоли томонидан 410 мингдан ортиқ дарахтга шакл берилиб, оқланди. Кўп қаватли уйлар атрофи, кўча ва қишлоқлар тартибга келтирилди.

Жойларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, кам таъминланган кўп болали оилалар, ногиронларнинг 820 нафарига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. 189 нафар якка-ёлғиз кексаларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашилди. Спорт майдончалари, дам олиш масканлари тартибга келтирилди. Ушбу тадбирларга ҳомийлар, касаба уюшма ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими ҳамда бўлинмалари томонидан жами 97,3 млн. сўм сарфланди.

Вилоятда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

***

**Қашқадарё** вилоятидаги корхона ва муассасалар, маҳаллалар, таълим масканлари, қўйингки, барча давлат ва жамоат ташкилотларида умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди. Хусусан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари ҳам ободонлаштириш, тозалик тадбирларида фаол қатнашди.

Шакарбулоқ, Шимолий Нишон, Шимолий Ғузор газ конларида, Қарши шаҳридаги 1-миттитуманда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 153 киши меҳнат қиладиган автотранспорт цехи ҳудуди тозаланиб, техникалар ҳолати кўздан кечирилди.

Ҳашар кунлари Ўзбекистон-Швейцария «Гиссарнефтгаз» қўшма корхонасининг 758 нафар ходими турли юмушларни бажаришди.

— Қўшма корхонамизда давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрамига қизғин ҳозирлик кўрилди, — дейди қўшма корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Жўрақул Амиров. — Байрам муносабати билан барча ишчи-хизматчиларга ойлик маоши миқдорида мукофот пуллари берилди. 40 нафар илғор ходим чангютгич, микротўлқинли печ каби қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди. Шунингдек, касаба уюшма қўмитаси маблағлари ҳисобидан жамоанинг 40 нафардан зиёд фидойи аъзосига Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Кўп болали, кам таъминланган 50 дан ортиқ ходимга энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида моддий ёрдам берилди.

Байрам арафасида ёрдамчи хўжаликларимизда етиштирилган мева ва сабзавотлар ходимлар дастурхонига армуғон этилди. Шунингдек, корхонада ишлаб, бугун орамизда бўлмаган 6 нафар ходим оиласига ёрдамчи хўжалигимиздан бир бошдан сигир берилди. Бундан ташқари, Қарши шаҳридаги Мурувват ногиронлар уйига «Аристон» маиший техникаси ва поёндоз-гилам совға қилинди.

***

Умумхалқ хайрия ҳашари **Сурхондарё**да ҳам зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. Эзгуликка йўғрилган бундай тадбирда бир миллион нафарга яқин киши ободонлаштириш ишларини амалга оширди.

— Ҳашар кунлари гузарлар, зиёратгоҳу қабристонлар тартибга келтирилиб, боғ ва гулзорларга шакл берилди — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раисининг ўринбосари Қобилжон Боболов. — Кўчалар тозаланиб, хиёбон ва майдонларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари изчиллик билан давом эттирилди. Шунингдек, меҳнат фахрийлари ва ногиронлари, якка ёлғизлар, етимлар, беморлар ҳолидан хабар олинди. 120 та қишлоқ, 800 дан ортиқ маҳалла ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳудудлари тозаланди. Муҳими, бу тадбирларда 2200 дан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчилари бош-қош бўлишди. Айниқса, Ш.Рашидов номли Шўрчи дон маҳсулотлари очиқ акциядорлик жамияти, Қумқўрғон нефт ва газ касб-ҳунар коллежи касаба уюшма ташкилотларининг ибратли ишлари мақтовга лойиқ. Уюшқоқлик билан ўтказилган ҳашарда 500 минг нафардан ортиқ ёшнинг фаол иштирок этгани ибратлидир.

— Ҳашардан тушган хайрия маблағлари эвазига эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатамиз. Уларнинг уй-жойларини таъмирлаш, оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат ва никоҳ тўйларини ўтказишга кўмаклашиш, болалар спорти майдончаларини тартибга келтириш ишларини амалга оширамиз. Яна 100 дан ортиқ фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бошқаруви раиси У.Абдураззоқов.

***

Умумхалқ хайрия ҳашарида **Наманган** вилоятидаги корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллалардан 2 млн. 238 минг нафардан зиёд аҳоли ва 1 млн. 419 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 3876 гектар майдон ободонлаштирилиб, 2717 км. ариқ, зовурлар 4550 тонна қурилиш ва маиший чиқиндилардан тозаланди. Вилоятдаги 566 дан ортиқ қабристон ва 51 дан ортиқ зиёратгоҳ ободонлаштирилди. 1 млн. 122 минг тупдан ортиқ дарахтга шакл берилиб, оқланди.

Ҳашарда 3718 та кам таъминланган оилага ҳомийларнинг 329 млн. сўм маблағлари жалб этилган ҳолда, 83 минг кв.м уй-жойлар таъмирлаб берилди.

***

**Андижон** вилоятида мустақилликнинг 22 йиллик байрамига бағишланган умумхалқ хайрия ҳашари шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Икки кун давомида 2 млн. 266 минг нафар аҳоли ободонлаштириш ишларида қатнашди. Уларнинг 1 млн. 736 минг нафарини ёшлар ташкил этди.

Шу кунлари 2 млн. 76 минг га. ер майдони, 2 млн. 253 км. ариқ ва зовурлар, шунингдек, 53 та зиёратгоҳ, 845 та қабристонлар тозаланди.

Жумладан, шаҳар ва тумандаги чиқиндилар олиб чиқилди.

Ҳашар кунлари вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биносининг ҳудуди ободонлаштирилди. Ҳашарда бирлашма ходимлари фаол иштирок этиб, бинонинг ички қисмини таъмирлаш ишларига кўмаклашишди.

**Ўз мухбирларимиз**



# Изланиш ва интилиш меваси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

## ...ва бугуннинг манзараси

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида бир анъана шаклланган. Олий ўқув юрти маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳудудда талаба ва ўқитувчилар учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасини ташкил этади. Бозордан икки-уч баробар арзонлаштирилган савдодан маҳалла аҳли ҳам бемалол баҳраманд бўлади.

— Институт тасарруфидаги Нуробод тумани «Меҳнаткаш» қишлоғида жойлашган боғимизда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотлари арзон баҳоларда жамоага етказиб берилади, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Ахназар Ҳосилбеков. — Ўтган йилда 1800 кг. олхўри, 365 кг. асал, 1200 кг. ўрик, 2500 кг. олма, 3000 кг. лавлаги ходим ва талабаларга арзон нархда сотилди. Ўзимиз етиштирган 8 тонна товуқ, 12 тонна мол гўшти, 1350 литр кунгабоқар ёғи, 10 тонна картошка, 15 тонна пиёз, 2 тонна сабзи тақсимланди. Ходимлар ва талабалар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш билангина чекланиб қолмай, уларни моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашга интилаяпмиз.

Меҳнатни муҳофазалаш, хавфсиз иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Институтнинг «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» кафедрасида махсус ўқувлар ташкил этилади. Талабаларнинг бу борадаги билими муттасил ошириб келинмоқда. Зарарли иш шароитида меҳнат қилаётганлар учун ёрдамчи хўжаликдан ҳар куни 25 литр сут келтирилиб тақсимланади. Касб касаллигига чалинган собиқ икки нафар ходимнинг даволаниши учун касаба уюшмалари томонидан кўмак кўрсатилади.

***

Вилоят электр тармоқлари корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан Жомбойда тадбир бўлиб ўтди.

Соҳада меҳнат қилаётган меҳнат муҳофазасига дахлдор жамоатчи назоратчилар, цех касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ушбу ўқуви ҳар ойда ҳудудлар бўйича ташкил этиб келинмоқда.

— Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик қоидаларига доир ўқувларни туман тармоқ корхоналарида ҳам ташкил этамиз, — дейди касаба уюшма ташкилоти раиси Раҳмат Зулпонов. — Ходимлар ва улар оила аъзоларини дам олдириш, юртимиздаги обод масканларга саёҳатлар уюштириш, турли томошаларга олиб бориш иш режамиздан ўрин олган. Бундан ташқари, ойнинг муайян муддатида «Маънавият соатлари» ўтказиб келинаётир.

Тизимдаги ислоҳотлар бугун касаба уюшмаларини изланишга, интилишга ундамоқда. Молиявий имконияти мустаҳкамланган, ортиқча ташвишлардан холи бошланғичда жонланиш яққол кўзга ташланиб қолди.









## Талабалар — юрт таянчи

Мустақил ҳаётга катта орзулар билан кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш касаба уюшма фаолиятининг асосини ташкил этмоқда. Бу йил Самарқанд вилоятида 158 та касб-ҳунар коллежини 60794 нафар ёш тамомлади. Уларнинг аксариятига ўзлари танлаган касб билан шуғулланиш имконияти яратиб берилди. Ўз ҳаёт йўлини танлаганлар касаба уюшмалари ғамхўрлигини ҳис этмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида корхона ва ташкилотларда амалиётда бўлган талабаларнинг 2212 тасига касаба уюшмалари томонидан энг кам ойлик маошнинг 20 фоизи, 172 нафар янги иш бошлаган битирувчиларга 50 фоиз миқдорида моддий кўмак кўрсатилди. 89 та корхонада меҳнат қилаётган 125 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланадиган товарлар, уй-рўзғор жиҳозлари, шунингдек, уй-жой қуришлари учун фоизсиз ссудалар ажратиб берилди.

8 та корхона томонидан олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 22 нафар кам таъминланган оила фарзандларига шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди. Иқтидорли, истеъдодли ёшлар жамоат ташкилоти томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинаётир. Самарқанд давлат тиббиёт институти талабаси Фарида Туропова ўқиш ва жамоат ишларида барчага ўрнак. Ана шу ҳаракатчан қиз аъло ўқиши боис Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг стипендиясига сазовор бўлди. Сиёб тиббиёт коллежи талабаси Қурбоной Солиева ҳам тармоқ касаба уюшмаси стипендиясини қўлга киритди.

— Тармоқ касаба уюшмасидан кўрсатилган эътибор бизни янада фаол бўлишга ундамоқда, — дейди Сиёб тиббиёт коллежи 2-босқич талабаси Қурбоной Солиева. — Марказий кенгашнинг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Анвар Сувонов қўлидан касаба уюшмаларининг сертификатини олганимда ҳар бир интилишимиз эътибордалигини ҳис этдим.

## Фаолиятга бир назар

Ҳудуддаги 379 минг 144 нафардан ортиқ меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари манфаати ижтимоий шериклик асосида ҳимояланаётир. Вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамда касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ўртасида имзоланган уч томонлама ҳудудий келишувга мувофиқ фуқароларнинг ижтимоий фаол меҳнат билан шуғулланишига шарт-шароит яратилган.

Амалдаги йилнинг ўтган даврида 46950 та янги иш ўрни яратиш режаси 48680 тага уддаланди. Энг муҳими, яратилган иш ўринларининг асосий қисми қишлоқлар ҳудудига тўғри келади. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, саноатни олиб кириш, кичик ва хусусий бизнес тараққиётини таъминлашга эришилмоқда.

Ўтган даврда фарзанд тарбияси билан машғул аёлларга кенг имкониятлар яратилди. Шартнома ва келишувлар орқали «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган 1665 нафар кам таъминланган оилага 57,1 млн. сўмлик кўмак берилди. Ёш оилалар намунавий лойиҳа асосида барпо этилган уй ва рўзғор жиҳозлари билан таъминланди. Икки ва уч ёш оралиғидаги фарзандлар тарбияси билан банд бўлган 241 нафар онага 148 та корхона ва ташкилот томонидан ёрдам кўрсатилиб, иш соатлари қисқартирилди.

Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган турли акция ва байрам тадбирларида кенг аҳоли қатламига ҳам иқтисодий, ҳам маънавий кўмак берилаяпти. Жумладан, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан 106 нафар ҳарбий ва уларнинг оила аъзоларига, Хотин-қизлар куни ва Наврўз байрамида 1445 нафар меҳнаткаш, кам таъминланган оилалар, ногиронларга моддий ёрдам ташкил этилди. Хотира ва қадрлаш кунида «Хотира абадий — жасорат мангу» акцияси доирасида 530 нафар уруш қатнашчиси, «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида 300 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Самарқанд шаҳридаги «Ёшлик» ва «Сўғдиёна» истироҳат боғларига ҳамда театр томошаларига таклиф этилди. Бирлашма кенгаши томонидан эҳтиёжманд оилаларнинг 10 нафар фарзанди, Ургут туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмалари томонидан ўзгалар ёрдамига муҳтож 20 дан зиёд болага меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ жорий йилда меҳнаткашларнинг 21820 нафар фарзанди, шундан 10 минг нафар ўғил-қиз шаҳардан ташқари оромгоҳларда дам олдирилди. Ургут туманидаги «Золотинка» оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикасидан келган 750 нафар ўқувчи соғломлаштирилди. Ҳомийлар маблағи ҳисобидан 175 нафар бола «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳида, 100 нафар бола «Алпомиш» даги «Интеллектуал ривожлантириш» оромгоҳида таътил кунларини ўтказди. Йўналишли оромгоҳлар фаолияти катта самара бериши амалда ўз исботини топди.

***

Самарқанд дунё шаҳарлари орасида ўзига хос нуфузга эга. Кўҳна диёрни кўриш истагида ташриф буюраётганлар сони кундан-кунга ошиб бораяпти. Тарихий шаҳарда касаба уюшмаларининг меҳмонхонаси қурилиб, ишга туширилиши катта воқеа бўлди, албатта. Ҳозирда юртимизнинг турли қишлоғу шаҳарларидан келган саёҳатчилар меҳмонхона хизматидан бажонидил фойдаланаётир. Касаба уюшмалари қошида ташкил этилган «Касаба сайр» шўъба корхонаси саъй-ҳаракати билан меҳнаткашлар вакиллари саёҳати уюштирилмоқда.

Туризмни ривожлантириш, ходимларни обод юртимизнинг гўзал манзилларига саёҳат қилдириш учун шароит яратилган. Амалдаги йилнинг шу даврига қадар вилоят меҳнаткашларидан 5034 нафари Тошкент, Бухоро, Хива, Навоий, Шаҳрисабз каби шаҳарларимизни бориб кўриш имконига эга бўлди. Ушбу мақсадлар учун иш берувчилар томонидан 87,8 млн. сўм, касаба уюшмалари томонидан 29,4 млн. сўм сарфланди.

## Ҳаракатдаги уюшма

Касаба уюшмалари тизимида фидойи бир аёл бор. Гарчанд жуссаси кичикроқ бўлсада, қуввати филни йиқитгудек. Ғайратли, ишчан. Доим олдингизга бирорта масалани кўндаланг қиладиган одати бор. Уни бир биз эмас, кўпчилик танийди. Насиба Шарипова Нарпай туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси. Нарпайда бирор янги ташкилотга асос солинса, бу даргоҳ эшигидан аввал Насиба опа мўраласа керак. Касаба уюшмаларининг афзаллиги, ишни ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, меҳнат қонунлари ҳақида соатлаб сўзлашдан чарчамайди.

Ўтган ойда Насиба опа танишиш учун менга бир хатни берди. Унда Нарпай туманида фаолият юритаётган «Ишонч» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси маъмурияти томонидан касаба уюшма ташкилотини тузишга кўмаклашиш сўралган экан. Бундай чоғда Насиба Шарипованинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилади. Ҳаялламасдан жамоага етиб борди. Тузилмавий ҳаракат йўл-йўриқларини тушунтирди. 20 га яқин ходимнинг барчаси жамланган таъсис йиғилишида у ҳам иштирок этди. Жамоада касаба уюшмага ким етакчи бўлади, деган савол атрофида қизғин баҳс кечди. Сабаби, бу ерда кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга кишилар ҳам, ёш мутахассислар ҳам етарли экан. Маъмурият етакчи сайлашни ходимлар ихтиёрига топширди.

— Умумий йиғилишда ўндан ошиқ одам сўзга чиқди, — дейди Насиба Шарипова. — Кўпчиликнинг фикри ёш мутахассис Феруза Ҳусайинова номзодида тўхтади. Овозга қўйилганида ҳам у ютиб чиқди. Маъмурият ходимлар таклифидан қаноат ҳосил қилганини билдирди. Ташкилотимиз сафи яна бир серғайрат етакчи билан бойиди.

Тўғри, бугун асосан тадбиркорлар ташаббусни олган тармоқда иқтисодий юксалиш яққол намоён бўлаётган бўлса-да, ҳали ечимини кутаётган масалалар оз эмас. Дала юмушида банд бўлган аҳоли ҳимоя тизимидан то ҳануз тўла баҳраманд бўлганича йўқ. Деҳқончилик жиловини қўлга олган дала соҳиблари — фермерлар бу масалада энди бош қотира бошлашди. Қатор туманларда фермер хўжаликларида касаба уюшма ташкилотлари шакллантирилмаган. Тармоқда шу чоққача 27 та бошланғич ташкилот тузилиб, 535 нафардан ортиқ киши аъзоликка жалб этилди. Хуллас, касаба уюшмаларига мурожаат қилаётганлар, қизиқаётганлар оз эмас.

Самарқандда одамлар ишончини оқлаш, уларга ҳар нафас бақамти бўлиш ҳаракатида бўлган касаба уюшмалари шу тахлит изланишлар йўлидан бормоқда.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



# Ёшлар эътиборда, кексалар эъзозда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси, меҳнати муҳофазасини кучайтиришга оид янги бўлим ва бандларнинг киритилганлиги соҳага оид ишларни янада такомиллаштириш имконини берди. Олий ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг амалиётчи ўқувчилари ҳамда ишга янги жойлашган битирувчиларини манзилли қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширилиб, меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказилиши, жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёз ва қулайликлардан фойдаланиши таъминланмоқда. Ёш оилаларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар бериш ишлари амалга оширилмоқда. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан турли соҳаларда меҳнат қилаётган ёш мутахассислар ўртасида касбий танловлар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари томонидан олий ва ўрта-махсус таълим масканларининг иқтидорли талабалари учун касаба уюшма стипендиялари жорий этилмоқда. Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган янги иш ўринларида ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги тантаналари олдидан Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш, ушбу шукуҳли кунларда халқимизга янада кўтаринки кайфият бағишлаш, турли соҳаларда меҳнат қилаётган инсонлар, айниқса, ёшларга мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислоҳатлар мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

24 август куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан Республика миқёсида оммавий тарзда ташкил этилган «Саховат ва Мурувват уйлари — касаба уюшмалари эътиборида» акцияси ҳам худди шу мақсадларга қаратилди. Шу куни 500 нафарга яқин ёш касаба уюшма фаоллари бир вақтнинг ўзида Республикамизнинг ҳар бир ҳудудида жойлашган 14 та «Саховат» ва «Мурувват» уйларига эрта тонгдан ташриф буюриб, 2155 нафар отахон ва онахонлар қалбига қувонч улашдилар.

Акция доирасида Касаба уюшмалари тизимидаги «Ёшлар кенгаши» фаоллари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «Саховат» ҳамда «Мурувват» уйларида истиқомат қилаётган ёлғиз кексалар, жисмоний имконияти чекланган инсонлар ҳолидан хабар олдилар. Ушбу муассасалар ҳудудида ободонлаштириш ишлари ташкил этилиб, ҳудудларни саранжом-саришта ҳолатга келтириш, дарахтларга шакл бериш, деворларни оқлаш, ариқ-зовурларни тозалаш, ҳудудларни чиқиндилардан тозалаш ишлари амалга оширилди.

Мазкур тадбирнинг айнан Умумхалқ хайрия ҳашари куни ташкил этилгани ҳам рамзий маънога эга. Чунки, айнан шу каби хайрия тадбирлари орқали ёшлар онгига азалий ва бетакрор қадриятларимизга эътибор, отахон ва онахонларга меҳр-оқибат ва ҳурмат каби инсоний туйғуларни янада сингдириш мақсад қилинган.

Акция давомида ушбу масканларда истиқомат қилаётган кекса авлод вакилларига «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» мавзуидаги маданий-маърифий тадбир намойиш этилди. Тадбир сўнгида ҳар бир ҳудуддаги «Саховат» ва «Мурувват» уйларида истиқомат қилаётган инсонларга Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ажратилган бош совға — LCD мониторли замонавий телевизор ҳамда турфа хил ҳадялар топширилди.

Худди шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги «Уруш ва меҳнат фахрийлари Республика пансионати»да бўлиб ўтди. Акция доирасида тиббий-ижтимоий муассаса ҳисобланган ушбу масканда истиқомат қилаётган 140 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши совғалари етказилди.

Таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдод эгалари ижросидаги куй ва қўшиқлар даврага файз бағишлади.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.**
**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

# Табриклаймиз,
# ҚУТЛАЙМИЗ

Ishonch
2013-yil 27-avgust № 103-104 (3297)

## Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ургут туман кенгаши жамоаси

Барча юртдошларимизни, шунингдек, соҳа ходимларини истиқлолнинг 22 йиллик байрами билан қутлайди. Хонадонингизни тинчлик-осойишталик, қут-барака тарк этмасин!

## Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

*Юртдошларимизни давлатимиз Мустақиллигининг 22 йиллик байрами билан қизғин қутлайди. Инсон қадр-қиммати эъзозланган озод диёримиз янада гуллаб-яшнайверсин!*

## Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Эл саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган соҳа ходимларини ҳамда мамлакатимиз аҳолисини Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллик байрами билан қутлайди. Обод турмуш йўлида юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, порлоқ келажагимиз учун матонат кўрсатаётган юртдошларимизга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт-саодат, яратувчилик ишларида зафарлар ҳамиша ёр бўлсин!*

## Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

**Барча юртдошларимизни ҳамда тиббиёт аҳлини Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами билан муборакбод этади. Истиқболи порлоқ юртимизнинг гуллаб-яшнаши, тараққиётга эришиш йўлидаги фидокорона ишларида барча ватандошларимизга улкан зафарлар ёр бўлсин!**

## Самарқанд вилоят электр тармоқлари корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти

*Соҳа ходимларини диёримиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Ватан тараққиёти йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган барча-барчага эзгу ишларида омад ёр бўлсин!*




**Эҳтиром**

**Ҳаётимиз осудалиги, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаётган посбонларимиз — ҳарбийларнинг борлиги кўнглимизга ғурур-ифтихор бағишлайди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, юртдошларимизнинг осойишталигини таъминлаш учун жонини фидо қилган алп ўғлонларни эслаганда эса, уларнинг жасорати олдида бош эгамиз.**

# Ватан фидойи фарзандларини унутмайди

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилаётган «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди» акцияси ҳам хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган жасур йигитларни хотирлаш, уларнинг оила аъзоларига эҳтиром кўрсатишга қаратилган хайрли ташаббуслардан бири бўлди.

Куни кеча ЎзКУФҚ масъул ходимлари, Мудофаа вазирлиги мутасаддилари ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Марказий кенгашининг бир гуруҳ вакиллари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган ана шундай оилаларга моддий ёрдам ва байрам совғаларини топширишди. Ҳарбийларнинг ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан дилдан суҳбат қурилди.

— Ҳарбийлик — шарафли касб, унинг залворли юкини кўтариш учун чидам ва матонат керак, — дейди Олмазор туманида яшовчи Ҳилола Ҳамроева. — Турмуш ўртоғим ҳарбий учувчи эди, 12 йил аввал хизмат вақтида оламдан ўтди. Умр йўлдошимдаги шижоат, ҳаракатчанлик хислатлари фарзандларимга ўтган. Айни пайтда ўғлим Анвар Ҳамроев ҳам ота касбини танлаб, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Тошкент Олий қўмондонлик билим юртида таҳсил олмоқда. Ундан умидим катта, отаси каби эл корига ярайдиган инсон бўлишини хоҳлайман.

— Ҳар қайси фарзанд отаси билан фахрланишни, унга ўхшашни орзу қилади, мен отам билан икки ҳисса фахрланаман, — дейди марҳум подполковник Собиржон Санжаровнинг ўғли Суҳроб Санжаров. — Айни пайтда Чирчиқ Олий Танк-муҳандислик билим юртини тамомлаб, ҳарбий соҳада фаолият юритаяпман. Укам Темур Жиззах Олий авиация билим юртида таҳсил олаяпти. Мақсадимиз юртимиз равнақи, халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида бор куч-ғайратимизни сафарабар этиш. Таълим олишимиз, интилишимизни рўёбга чиқаришда давлатимиз биздан ўз ёрдамини аямаяпти. Меҳнат аҳли манфаатлари ҳимоячиси бўлган касаба уюшмалари вакилларининг хонадонимизга ташрифи ва байрам совғаси биз учун унутилмас воқеа бўлиб қолади.

Оилада ўғил фарзанд дунёга келса, яна бир аскар туғилибди-да, илоҳим полвон йигит бўлсин, дея эзгу ният қилинади. Марҳум подполковник Баҳодир Сармановга ҳам ота-онаси қўрқмас, ботир бўлишини истаб, шу исмни қўйишганди. У улғайиб ҳақиқий баҳодир бўлиб етишди. Ҳарбий тизимдаги бир неча йиллик фаолияти давомида дўстлари орасида ҳурмат қозониб, 34 ёшида подполковник унвонига сазовор бўлди. Ташкилотчилар марҳумнинг хонадонида бўлиб, унинг яхши амалларини яна бир бор ёдга олишди.

— Яккаю ёлғиз қизим бор, шу боис куёвимни ўғлимдек кўрардим, — дейди сирдарёлик Фарҳод ака Мадинов. — Ўз касбини ниҳоятда севарди, ҳатто фарзандларининг туғилган куни ёки тўй-маъракаларда ҳам ишдан қолишни ёқтирмасди. Ҳаётини юрт осойишталиги учун бахш этди. Айни пайтда тўрт нафар набирамга отасининг жасорати, ҳақгўйлиги, жонкуярлиги ҳақида фахр билан сўзлайман. Ўзим ҳам таълим тизимида кўп йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиқдим. Касаба уюшмаларининг халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилган чора-тадбирларидан бошим осмонга етди.

Тошкент вилояти Бўка туманидан марҳум майор Баҳром Умаровнинг турмуш ўртоғи Саодат Умарова бу йил катта ўғли Умиджон Умаров Тошкент Ахборот технологиялари университетига ўқишга кирганлиги, турмуш ўртоғининг хизматларини унутмасдан унинг фарзандларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдор эканлигини билдирди.

Акция доирасидаги тадбирлар жойларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бирлашмалари кенгашлари фаоллари ҳамда Мудофаа вазирлигининг ҳудудий бошқармалари вакиллари ҳамкорлигида давом эттирилмоқда.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Сизнинг ҳимоячингиз**

# Зарар ундирилди

**Тахтакўпир туманидаги қурилиш ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида фаолият юритиб келган Г. Каниязова ҳамда Т. Жапарова маъмурият томонидан ноқонуний ишдан бўшатилганлиги тўғрисида шикоят билан Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилди. Шикоятда Г. Каниязова мажбуран бўш юрган вақти учун ўртача иш ҳақини тўлаб берилиши ҳамда ишга тиклаш ўрнига меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ўзгартиришни талаб қилган бўлса, Т. Жапарова мажбуран бўш юрган пайти учун ўртача иш ҳақини тўлаш ва ишга қайта тиклашни сўраган.**

Касаба уюшмаси ҳуқуқшунослари дарҳол масалани ўрганишга киришди. Маълум бўлишича, ходимларнинг меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг бир қатор моддалари талабларига риоя этилмаган. Мурожаат юзасидан коллеж маъмуриятига фуқаролар талабини қондириш тўғрисида тақдимнома киритилди. Бироқ тақдимнома инобатга олинмагач, касаба уюшма ҳуқуқшунослари фуқаролик ишлари бўйича Чимбой туманлараро судига даъво аризаси киритишга мажбур бўлишди.

Суд даъвони кўриб чиқиб, касаба уюшма ҳуқуқшунослари ҳақ эканлиги, ходимлар меҳнат шартномаларини бекор қилишда МКнинг қатор моддалари талабларига риоя этилмаганини аниқлади. Даъвогарлар фойдасига қарор чиқариб, Тахтакўпир қурилиш ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи маъмуриятининг 2012 йил 11 декабр ҳамда 26 сентябрдаги меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқлари ноқонуний деб топилди. Г. Каниязовага мажбуран бекор юрган кунлари учун 1 875 661 сўм, ишга тиклаш ўрнига 296 157 сўм ҳамда 98 719 сўм маънавий зарар тўланадиган бўлди, Т. Жапаровага жами 2 847 400 сўм ундириб берилди ва ўз вазифасига тикланди.

2013 йил 29 июнда бўлиб ўтган суд қарорига асосан коллеж директори Е. Палмуратовнинг ноқонуний ҳаракатлари туфайли давлат манфаатларига етказилган 4 821 780 сўм зарар регрес тартибида унинг ўзидан ундириб олинади.

**Спартак НИЯЗОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси**
**касаба уюшма ташкилотлари**
**бирлашмаси кенгаши**
**юридик бўлими етакчи юристконсулти**

# Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2013-yil 27-avgust № 103-104 (3297)




Обод турмуш йилида Қарши шаҳридаги Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

***Суратда:* *Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳи.***
**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат**

## ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ



**Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган II Осиё ўйинлари ниҳоясига етди.**

# НАТИЖА ЯХШИЛАНДИ

Иккинчи бор ўтказилган қитъа ўйинларида 45 давлатнинг 2314 спортчиси 16 та спорт тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди. Қитъа ўйинларида 61 нафар спортчимиз 10 та спорт тури (ўқ отиш, дзюдо, баскетбол, стол тенниси, оғир атлетика, теннис, сузиш, енгил атлетика, қиличбозлик, таэквондо WTF) бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда иштирок этдилар.

Қизғин кечган мусобақалар якунларига кўра битта олтин, иккита кумуш, бешта бронза медалига сазовор бўлган Ўзбекистон делегацияси умумжамоа ҳисобида 14-ўринни эгаллади.

Осиё ўйинларида ўзбек дзюдо мактабининг юқори салоҳиятини кўрсатган спортчиларимиздан Достон Рўзиев олтин, Улуғбек Отамуродов ва Муҳриддин Мирзаёров кумуш, Диёра Келдиёрова ва Турсунпошша Нурметова бронза медалга сазовор бўлди. Шунингдек, ўқ отиш баҳсларида муваффақиятли қатнашган Рефат Гирфанов, таэквондо беллашувларида маҳорат кўрсатган Ғанижон Хурилбоев ва Динорахон Мамадиброҳимова ҳам мамлакатимиз спорт делегацияси ҳисобига ўз улушларини қўшиб қўйдилар.

Тўрт йил муқаддам Сингапурда бўлиб ўтган илк Осиё ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган ўттиз бир спортчидан уч нафари — Юлдуз Қўчқорова 100 метрга чалқанча усулда сузишда, Светлана Прошкина баландликка сакрашда, Руслан Қурбонов уч ҳатлаб сакрашда бронза медал билан тақдирланган эди.

Ўсмирлар ўртасида III Осиё ўйинлари 2017 йил Шри-Ланканинг Хамбанота шаҳрида ўтказилади.

## ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ



**АҚШнинг Орландо шаҳрида XVI Бутунжаҳон жанг санъатлари фестивали якунига етди. Дунёнинг ўндан ортиқ давлатидан мингдан ортиқ спортчи иштирок этган мусобақада вакилларимиз бешта олтин, тўртта кумуш, саккизта бронза медални қўлга киритди.**

# ЎН ЕТТИ МЕДАЛ

Хусусан, ўзбек жанг санъати яккалик беллашувларида Мафтуна Худоёрова, Гулбаҳор Ашурова, Мафтуна Зоирова, Наргиза Хайруллаевага шоҳсупанинг энг юқорисидан жой тегди.

Бундан ташқари,Ситора Нишонова, Ҳумоюн Фармонов, Азамат Абдураимов, Шоҳруҳмирзо Мамажонов ва бошқалар умумжамоа ғалабасига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

## ФУТБОЛ



**Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизмати тарқатган хабарга кўра, Уммон пойтахти Мускат шаҳрида футбол бўйича 2014 йилги ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати финал босқичига қуръа ташланди.**

# ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-22) мусобақанинг «Д» гуруҳида Саудия Арабистони, Ироқ ҳамда Хитой терма жамоалари билан баҳслашадиган бўлди.

Ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилиши кўзда тутилган мазкур мусобақа Осиё футбол конфедерацияси тасарруфида келгуси йили биринчи марта ташкил этилади. Осиё чемпионатига 2014 йилнинг 11-26 январ кунлари Уммон мезбонлик қилади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2012 йилнинг июн ойида Непал мамлакати мезбонлик қилган саралаш баҳсларида муваффақиятли иштирок этган ва йўлланма соҳибига айланганди.

| «А» Гуруҳи | «С» Гуруҳи |
|---|---|
| Уммон | Япония |
| Иордания | Австралия |
| Жанубий Корея | Эрон |
| Мянмар | Кувайт |
| **«В» Гуруҳи** | **«Д» Гуруҳи** |
| КХДР | Ўзбекистон |
| БАА | Саудия Арабистони |
| Сурия | Ироқ |
| Яман | Хитой |

«Д» гуруҳи ўйинлари тақвими:

12 январ: Ўзбекистон — Ироқ, 14 январ: Ўзбекистон — Хитой, 16 январ: Ўзбекистон — Саудия Арабистони.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Қадр

**Қўшкўпир туманидаги 2-сон маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Карима Тиллабоева «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.**

# Эл ардоғи

Ҳар бир хайрли амал, эзгулик, халқ фаровонлиги йўлида қилинаётган ижобий иш ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди.

— Кариманинг тақдирланишини маҳалламиз фаолиятига берилган юксак баҳо деб биламан, — дейди 2-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулбаҳор Султонова. — Чунки савобга йўғрилган ишларимизда унинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Карима Тиллабоева 2-сон маҳалла фуқаролар йиғинида бир неча йиллардан бери масъул котиба вазифасида ишлайди. Камтаринлиги ва одамохунлиги боис эл назарига тушган. Жумладан, «Бир болага етти маҳалла ота-она»шиори остида ўтказилган спорт мусабақаларини уюштиришда, ишсизларни иш билан таъминлашда, атроф-ҳудудни ободонлаштиришда ва шунга ўхшаш қатор юмушларни адо этишда у бош-қош.

Бундан ташқари, маҳаллада мактаб ва оила ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, жамоатчилик назорати кучайтирилишида ҳам унинг ҳиссаси бор.

— Дилимни ҳаяжон ва қувонч қамради. Озгина меҳнатим қадр топганидан мамнунман. Бундан кейин янада ғайрат билан ишлашга ҳаракат қиламан, — дейди К. Тиллабоева.

**Руҳия ИСМОИЛОВА**

# Ёғоч ўймакорлиги студияси

**Тошкент вилоятида «IJOD» Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаевнинг ёғоч ўймакорлиги сирларини ўргатувчи «Ўймакор» студиясининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирга устанинг яқинлари, ҳамкасблари, шогирдлари ва журналистлар ташриф буюришди.**

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдураҳим Умаров, санъатшунос Элмира Аҳмедова ва бошқалар мамлакатимизда халқ амалий санъати, шу жумладан, ёғоч ўймакорлиги ривожига қаратилаётган эътибор ва рағбат, ёш ҳунарманд усталарни тайёрлаш, уларга ноёб санъат сирларини ўргатиш ва соҳани ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Уста Сирожиддин Раҳматуллаевнинг хизматлари сингган меъморий объектлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси, Имом ал-Бухорий, Нақшбанд меъморий мажмуалари, пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонидаги «Хотира ва қадрлаш» мажмуаси, «Шаҳидлар хиёбони», «Мовий гумбазлар» чойхонаси, «Ҳазрати Имом» мемориал мажмуаси, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, «Маърифат маркази» каби кўплаб иншоотларни мисол келтириш мумкин.

**«Туркистон-пресс»**

## Мустақилликнинг 22 йиллиги олдидан

# Санъат маскани

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Норин туман кенгаши томонидан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида байрам тадбири ташкил этилди. Анжуман туман марказидаги 6-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилди. Тармоқда фидойилик билан ишлаётган ишчи-ходимлар билан бир қаторда фахрийлар ҳам кечанинг азиз меҳмони бўлишди.**

Куй-қўшиқ сеҳри билан файз кирган давра севимли ижодкорлар — Боқий Мирзо, Иброҳим Маҳкамов, Муҳаммад Шаҳриёр, Қимматхон Мамажонованинг ташрифи ҳамда Ватан мадҳига бағишланган ашъорлар билан янада жонланди. Байрамона руҳда кечган тадбир ниҳоясида фаолларга касаба уюшмасининг совғалари топширилди.

— Қалбида қаноат, шукроналик ҳисси бор одам ҳамиша бахтиёр ҳаёт кечиради, — дейди тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Гулбаҳор Маматқулова. — Бугунгидек тадбирлар истиқлол туфайлидир.

* * *

Дарҳақиқат, Норин туманидаги 6-сонли мусиқа ва санъат мактабида 2011 йили мукаммал қайта таъмирлаш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилиб, маскан замонавий қиёфа касб этди. Бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун давлатимиз томонидан 880 млн. сўм маблағ ажратилди. Болаларга берилган бу имконият оталарнинг орзуси, оналарнинг қувончи ҳамдир.

Ҳозирда бу ерга нафақат туман марказидан, балки қишлоқлардан ҳам ўқувчилар келиб, санъат сирларини ўрганишмоқда. Тажрибали устозлар 155 нафар ўқувчига фортепиано, ўзбек халқ чолғу асбоблари, хор, хонандалик, зарбли чолғулар, амалий санъат, рақс каби йўналишларда таълим беришмоқда.

— 48 нафар ишчи-ходимдан иборат жамоамизга Феридахон Ҳожиматова раҳбарлик қилиб келмоқда, — дейди мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Алижон Сиддиқов. — Ҳар бир ходимга муносиб шароит яратиш доимий эътиборимизда. Шунингдек, ташкилотимиз учун алоҳида хона ажратилган бўлиб, аъзолар билан ҳамиша гавжум. Меҳнат шароити яхши бўлгани учун натижаларимиз ҳам қувонарли. Хусусан, ўқувчиларимиз Республика «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреати бўлишди. Муҳиддин қори Ёқубов номидаги республика кўрик-танловида 1-, 2-, 3-даражали дипломларни қўлга киритишди. Мухтор Ашрафий номидаги республика кўрик-танловида совринли ўрин эгалланди.

Устозлар жамоасининг ютуқлари ҳам кам эмас. Яқиндагина касаба уюшмалари тизимида ўтказилган «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танловининг вилоят босқичида Расулжон Юнусов бошчилигидаги гуруҳ якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги йўналишида, шунингдек, раққоса қизлар жамоа рақси ижрочилиги йўналишида муваффақият қозонишди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Арафа

**Ёзги таътил мавсумини мириқиб ўтказган болажонлар саноқли кунлардан сўнг яна азиз маскан — мактаб бағрига йўл олишади. Сергели туманида жойлашган 237-умумтаълим мактабига ташрифимиз устоз-мураббийлар ва ишчи-ходимларнинг синфхоналарни ўқувга шай ҳолатга келтириш ҳамда мактаб ҳовлисини ободонлаштириш билан машғул пайтга тўғри келди.**

# Дилга жодир эзгу ниятлар




— Мактабимиз 650 ўринга мўлжалланган бўлиб, 565 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия бериб келмоқдамиз, — дейди билим маскани раҳбари Аҳатилла Ғуломов. — Янги ўқув йилида яна 55 нафар жажжи болажонни 1-синфга қабул қиламиз. Барча шарт-шароит мавжуд. Бундан беш йил муқаддам мактаб биноси тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Жумладан, синфхоналар компютер, ДВД, кодоскоп каби замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бу ерда билим олаётган ёшлар «Хонобод», «Қумариқ», «Олтин Водий», Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳаллаларда истиқомат қилишади.

Мактаб ҳовлиси ёзги таътилда ҳам болажонлар билан гавжум бўлди. Бориси, «Полвонча» номли кундузги оромгоҳ ташкил этилди. Дам олувчилар учун «Китоб — энг яқин дўстим», «Соғлом танда — соғ ақл», «Мен — Ватан фарзандиман» каби маънавий-маърифий тадбирлар, ёзувчи ва шоирлар, турли касб эгалари билан учрашувлар ўтказилди. Спорт тўгаракларида чиниққан ёшлар «Ёз — 2013» мусобақасида фаол иштирок этишди.

Спортни ривожлантириш, ёш авлоднинг нафақат маънан, балки жисмонан ҳам соғлом бўлишига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бултур мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Абдулаҳад Аҳмадалиев «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллади. Унинг раҳбарлигидаги «Алпомиш» ва «Барчиной» каби футбол ва волейбол жамоалари ёшлари туман ва шаҳар миқёсидаги турли спорт мусобақаларида мунтазам биринчиликни қўлга киритишаётир.

Ютуқларни санашда яна давом этиш мумкин. Мисол учун, мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси Гулнора Отамуродова жорий йилда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг туман босқичида 2-ўринни эгаллади, ўқувчилардан Севара Бобожонова эса туман халқ муассасалари фаолиятини методик таъминлашни ташкил этиш бўлими томонидан ўтказилган фан ойлиги тадбирларида «Энг яхши деворий газета муаллифи» номинацияси ғолиби бўлди. Мафтуна Исроилова «Камалак билимдонлари» кўрик-танловининг туман босқичида 2-ўринга лойиқ топилди. Гулзода Эгамбердиева ҳам «Келажак овози» лойиҳаларида фаол иштирок этиб, дизайнерлик ишлари билан кўпчиликнинг олқишини олди.

— Жамоамиз ўқитувчилари дарс ўқувчиларга қизиқарли бўлиши учун мултимедия воситалари ва тарқатма материаллардан фойдаланишади, — дейди биология фани ўқитувчиси Гулбаҳор Саодатова. — Шу боис ҳар бир дарс жараёни баҳс-мунозара, савол-жавоблар тарзида якунланади. Янги ўқув йилида ҳам турли беллашувларда совринли ўринларни қўлга киритамиз, деб умид қиламан.

Ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маданий ҳордиғини ташкил этиш ва соғломлаштириш масаласи мактаб касаба уюшмасининг доимий эътиборида. Мактабда меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида кўргазмали бурчаклар ташкил этилган. Шунингдек, ойда бир марта мазкур мавзуда мутахассислар билан учрашувлар ўтказилади.

— Иш фаолиятимда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши мутасаддиларидан зарур кўрсатма ва тавсиялар олиб тураман, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Дилдора Мирзаҳмедова. — Мактабимизда фаолият юритаётган 40 дан зиёд ишчи-ходимнинг ҳар бири ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинган. 2 нафар ходим «Оқтош» ва «Ботаника» санаторийларида ўз саломатлигини тиклади.

Очиғи, мактаб ҳовлисидаги хушманзара боғ жуда ҳавасимизни келтирди. Мураббийларнинг айтишича, мазкур «Ватан боғи» бундан 5 йил аввал бошланғич синф ўқитувчиси Басира Ашурова ва собиқ ўқувчи Рамзбек Бозоров ташаббуси билан ота-оналар ва ўқитувчилар ҳамкорлигида барпо этилибди.

— Биз таълим-тарбия бераётган фарзандлар ҳам эртага мана шу ниҳоллар каби бўй чўзишади, — дейди мактаб директори. — Улар ўз салоҳияти ва иқтидорини намоён қилиб, элу юрт учун хизмат қилишади. Ўқувчиларимизнинг келгусида етук касб эгаси сифатида катта марраларни забт этаётганини кўришдан ортиқроқ бахт йўқ.

Ҳа, мактабни уйингдек, болани болангдек бил, қабилида меҳнат қилаётган педагоглар жамоаси хайрли мақсад ва эзгу ниятлар билан янги ўқув йилини қарши олишмоқда.

**Гўзал БАХТИЁРОВА**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -22.25
Topshirildi -23.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г —811

13478 nusxada bosildi

1 2 3 5